

ISSN: 3060-4591

M 2025 **ARRIX**
TARIX
ILMIY JURNALI



4-SON
NOYABR

TOSHKENT KIMYO XALQARO
UNIVERSITETI



TAHRIR HAY'ATI

Akbar Zamonov (bosh muharrir)
Nabijon Narziyev (bosh muharrir
o'rinbosari, mas'ul kotib)

Anatoliy Sagdullayev
Zamira Ishanxodjayeva
O'ktam Mavlonov
Adham Ashirov
Shodmon Vohidov (Tojikiston)
Gulchehra Agzamova
Alisher Xaliyarov (AQSH)
G'aybulla Boboyorov
Gulnoza Odilova
Seyka Vazaki (Yaponiya)
Azimxo'ja Ataxodjayev
Bo'ston Tursunov (Tojikiston)
Bobir Aminov
Dilnoza Jamolova
Saodat Davlatova
Yernur Raximov (Qozog'iston)
Nigora Egamberdiyeva
Roza Baliyeva
Nodira Mahkamova
Fayzulla Ernazarov
Sherzodxon Mahmudov
Nigora Allayeva
Husniddin Mamadaliyev
Feruz Boboyev
Oybek Klichev
Guldona Taniyeva
Ulug'bek Xalmuminov
Raxmon Muxammadiyev
Muhiddinjon Primov

**Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot
agentligi tomonidan ro'yxatga olingan**
Guvohnoma № 315236

**O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim,
fan va innovatsiyalar vazirligi**
huzuridagi Oliy attestasiya komissiyasi
Rayosatining
08.05.2025-yildagi № 370/5-sonli
qaroriga ko'ra milliy ilmiy nashrlar
ro'yxatiga kiritilgan

Jurnal

Toshkent Kimyo xalqaro
universitetida tayyorlangan

JURNAL HOMIYSI VA MUASSISI:
TOSHKENT KIMYO XALQARO
UNIVERSITETI

MUNDARIJA

Abdullajon Pozilov

Sovet davlatida “sanoatlashtirish siyosati”: yutuqlar, muammolar va ziddiyatlar..... 5

Anvarjon Erqo‘ziyev

Buxoro xonligi karvonsaroylari..... 13

Barno Ungboeva

Sovet davlati siyosatining milliy kino san‘atiga ta’siri... 21

Baxtiyor Isoqov

Navro‘z bayrami tarixiga oid manbalar..... 30

Baxtiyor Xalmuratov

O‘zbek xalqi an‘anaviy turmush tarzi va milliy qadriyatlari tizimida daryo kulti..... 37

Botirali Vaxobov

Farg‘ona vodiysi subetnoslarining an‘anaviy turar-joylari..... 55

Dadaxon Norkuziyev

Farg‘ona vodiysi viloyatlarida ekologik vaziyatni yaxshilashga doir chora-tadbirlar va uning tarixiy tahlili..... 66

Dilnoza Nazarova

O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi tarixidan..... 78

Gulchehra Agzamova

Mang‘itlar sulolasi davridagi ta’lim tizimi tarixidan (XVIII-XIX yuzyillikning o‘rtalari)..... 87

Ikromjon Kuzikulov

Buxoro – Qo‘qon urushlari..... 100

Jasurbek Mamatov

Ziyoratgohlarda tayyorlanadigan taomlar va ularning xususiyati (Namangan viloyati ziyoratgohlari misolida).. 108

Ma’suma Ibroximova

G‘aznaviylarda pul munosabatlari..... 116

Nafisa Hayotova

Buxoro me‘moriy qiyofasini muhofaza qilishda rejalashtirishning ta’siri..... 125

Nizomiddin Gulboev

Xorazm qo‘ng‘irotlar sulolasi davrida maxfiy xizmatning o‘rni..... 142

Ruza Ballieva, Bayrambay Dauletmuratov

Qoraqalpoqlarning qabristonlari va undagi muammolar..... 154

Shavkatjon To‘lanboyev

Xiva xonligida davlat boshqaruv tizimi va uning o‘ziga xos xususiyatlari..... 170

Sherzodxon Mahmudov

Qo‘qon xonligi diplomatik aloqalarida elchining o‘rni: ijtimoiy – siyosiy tahlil..... 177



Нафиса Хаётова

Бухоро давлат университети
“Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (Phd).

E-mail: khayotova.nafisa@bk.ru

БУХОРО МЕЪМОРИЙ ҚИЁФАСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17605933>

Аннотация. Ушбу мақолада совет даврида Бухоро шаҳрида олиб борилган модернизация жараёнлари ва уларнинг шаҳар тарихий қиёфасига таъсири таҳлил қилинган. Айниқса, 1920-йиллар охири ва 1930 йиллар бошларида бутун Совет Иттифоқида жадал амалга оширилган саноатлаштириш сиёсати урбанизация соҳасига ҳам таъсир кўрсатган. Бу даврда ҳудудларда янги саноат корхоналарнинг қурилиши натижасида доимий ишчи кучига эҳтиёж ортиб, бу эса Бухоро шаҳрининг тузилмаси ҳамда аҳоли жойлашуви тизимида сезиларли акс этган. Шу асосда 1930-йиллардан бошлаб умумшаҳар миқёсидаги дастлабки “бош режа” лойиҳалари ишлаб чиқиладиган бўлди. Мақолада ушбу режаларнинг мазмуни, уларнинг амалга оширилиши ҳамда тарихий меъморий муҳитда архив манбалари, тарихий шаҳар харитаси ва жойларда олиб борилган кузатувлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, модернизация жараёнида кўпга тарихий иншоотлар аҳолининг кўпайиши ва транспорт муаммоларини ҳал этиш баҳонасида бузиб ташланганлиги, меъморий меросни бошқариш ва ҳимоя қилиш бўйича институционал ҳамда ҳуқуқий механизмлар етарлича шаклланмаганлиги сабабли, сақланиб

қолинган тарихий объектларнинг катта қисми реал муҳофаза эмас, балки фойдаланиш (ижара) объектига айлантирилган. Айтиш жоизки, XX аср бошидаги шаҳарсозлик сиёсати бир томондан шаҳарни модернизация қилишга хизмат қилган бўлса-да, бошқа томондан Бухоронинг ўзига хос тарихий қиёфасига жиддий зарар етказган.

Калит сўзлар: саноатлаштириш, тарихий меъморий муҳит, меъморий ёдгорликлар, шаҳристон, Ўздавлойиҳа, меъморий-этнографик, шаҳарсозлик, инфратузилма

Кириш. Бухоро турли тарихий даврларда ички ва ташқи омиллар таъсирида гоҳ юксалиш, гоҳ таназзул ҳолатини бошидан кечирган шаҳар ҳисобланади. Милодий илк асрлардан бошлаб, айниқса ўрта асрларда шаҳар ўзининг юксак даражасидаги ирригацион тизими, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилиги, илм-фан ва меъморчилик соҳаларидаги ютуқлари минтақа ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Айнан шу омиллар Бухорони ўз даврининг илғор урбанистик марказга айланишига сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб, шаҳар ўзининг ўрта асрлардаги кўринишини 30 фоизини сақлаб қолган [1:214] бўлиб, бу ҳолат уни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда тарихий қиёфаси энг яхши сақланган шаҳарлардан бири сифатида ажратиб туради.

XX асрнинг биринчи ярмида шаҳарнинг ички тузилмаси ва анъанавий шарқона хусусияти деярли ўзгармади, яъни унинг тарихий маркази, ички ҳовлили уйлари, маҳалла тузилмаси анъаналари сақланиб қолди. Шаҳар 11 дарвоза ҳамда 131 минорадан иборат қалъа девори билан ўралган ҳолда ясси томли айвонли турар жойлари ўзига хос қиёфасини сақлаб қолган эди. Кўчаларнинг йўналиши ва шакли шаҳарнинг тарихий ривожланиши натижасида шаклланган бўлиб, марказий қисмларда яъни эски шаҳарда кўчалар тўрсимон ва ихчам шаклга эга бўлган. Аксарият кўчалар эни 3 метрдан ошмаган ҳолда, уйлар зич қурилган [2: 3]. Кўчаларнинг ўзаро торликда жойлашгани, йўлларнинг бир-бирига тутшиб кетиши Бухоронинг ўзига хос шаҳарсозлик хусусиятини ташкил этган. Ҳовлилар ёпиқ, ташқаридан

кўринмайдиган тарзда қурилган бўлиб, бу эса уйнинг ичкарига қаратилган архитектура хусусиятига эга эканини кўрсатади. Бу даврда шаҳар худудининг деярли тўртдан бир қисми қадимий қабристонлар билан тўла бўлиб, улар кўп қаватли дафн сабабли ер сатҳидан кўтарилиб турар эди[3:26]. Шаҳарнинг турли нуқталарида кўп сонли шарқона бозорлар жойлашган ва фаолият олиб борган. Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган яшил майдонлар деярли мавжуд бўлмаган, фақат айрим ёдгорликлар ва ҳовузлар атрофида дарахтзорлар бўлган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тадқиқот жараёнида Бухоро шаҳрининг совет даврида олиб борилган шаҳарсозлик сиёсати, шаҳар бош режаларининг ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг тарихий меъморий муҳитга таъсири илмий ёндашувлар асосида ўрганилди. Ишда тарихий-таҳлилий, қиёсий, картографик кузатувлар методларидан фойдаланилди. Мавзуни ўрганиш жараёнида 1940 йилдан бошлаб ишлаб чиқилган шаҳар бош режаси, меъморий чизмалар, “Ўздавлойиҳа” институтининг архив материаллари ҳамда совет даврига оид архив материаллари таҳлил қилинди. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, шаҳристон худуди, меъморий ёдгорликлар ва уларнинг атрофидаги инфратузилма объектлари жойида ўрганилди. Бу жараёнда фотоқиёслаш, жойларда кузатув, архив ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тарихий хариталарни солиштириш усуллари қўлланилди. Шаҳар меъморий қиёфасининг ўзгариш динамикасини таҳлил этишда статистик маълумотлар ҳамда эски шаҳар хариталари муҳим манба сифатида ишлатилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот жараёнида тарихий, қиёсий ва таҳлилий методлардан фойдаланилган ҳолда 1920 йилдан 1970 йиллар оралиғидаги шаҳарсозлик ҳужжатлари, Бухоро шаҳри бош режалари, архив материаллари ва тарихий хариталар таҳлили натижасида аниқланишича, 1920 йилларнинг охирида Бухорода янги sanoat корхоналарининг барпо этилиши шаҳарнинг анъанавий тузилишига жиддий таъсир кўрсатган. 1930 йиллардан бошлаб

Бухоро шаҳрида амалга оширилган режалаштириш ишлари фақат меъморий ва муҳандислик ечимларини ўзгартириш билан чекланмаган, балки эстетик ва идеологик йўналишда ҳам янги қарашларни шакллантирган. Совет давридаги бош режалар ва шаҳарсозлик дастурлари “замонавий архитектура устунлиги” ғоясини илгари сурган бўлиб, уларда янги меъморий йўналишлар эски анъанавий муҳитдан устун қўйилган. Режалаштиришнинг умумий йўналиши замонавий архитектуранинг устуворлигини таъминлаш, замон руҳини ифода этиш ва эски архитектурага фақат музей даражасидаги рамзий ўрин ажратишга қаратилган эди. Натижада Бухоро шаҳар тарихий қисмининг анъанавий меъморий муҳити йиллар давомида йўқолиб борган. Шу билан бирга, эски ва янги меъморий муҳит ўртасидаги зиддият шаҳарнинг тарихий қиёфасига жиддий таъсир кўрсатган ва бу жараён кейинги йилларда ҳам Бухоронинг урбанистик ривожланишини белгилаб берган.

Асосий қисм. 1920 йил августда амалга оширилган ҳарбий операция натижасида Бухоро шаҳри сезиларли даражада зарар кўрди. Мазкур ҳолат шаҳарни тиклаш заруратини кун тартибига қўйди ва шу билан совет ҳокимиятининг ўрнатилиши шароитида шиддатли модернизация жараёнлари учун муайян бошланғич нуқта вазифасини бажарди. Вайронагарчиликдан кейинги қурилиш ва қайта тиклаш ишлари совет давридаги фаол янгиланиш сиёсатининг илк кўринишлари сифатида намоён бўлди.

Совет мафкураси таъсирида тарихий меъморий муҳит “ўтмиш қолдиғи” сифатида қаралди. Коммунистик партия томонидан олиб борилган сиёсат шаҳарлар сони ва тараққиётини, уларда ишлаб чиқарувчи кучлар бўлган аҳолини жойлаштиришни бошқариш ҳамда режалаштириш асосидаги муносабатни шакллантирди [4:9]. Айнан шу даврда Бухоро шаҳрининг тарихий қиёфаси модернизация, санитария ва стандартлаштириш талаблари баҳонасида қисман бузилди, баъзан эса тўлиқ ўзгартирилди.

Айтиш жоизки, 1920-йиллар охири ва 1930-йиллар бошларида СССРда жадал равишда амалга оширилган индустриялаштириш сиёсати шаҳарсозлик соҳасида кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу даврда саноат корхоналари қурилиши туфайли доимий ишчи кувватига эҳтиёж кучайди ва бу ҳолат шаҳар атрофида жойлашувнинг тузилишига таъсир қилди. Шу асосда 1930 – йиллардан бошлаб, умумшаҳар миқёсдаги “генераль” режалар ишлаб чиқарила бошланди.

1930 йилгача бўлган даврда Бухорода қурилишлар режасиз амалга оширилган. Асосан қурилиш ишлари фақат шаҳар девори ва йўллар бўйлаб шарқдан ғарбга қараб ўзгариб борган. Бу жараён нафақат Бухорода балки, бутун СССР ҳудудида кузатилган бўлиб, янги ташкил қилинган совет шаҳарлари ёки чекка ўлкалардаги шаҳарлар режаси 1931 йилдан бошлаб ишлаб чиқилган[5:114].

Дастлабки Бухоро шаҳрининг реконструкция ва ривожланиш бўйича бош режасини Москвадаги Гипрогор институтининг архитектори Долгов ишлаб чиқади [6:29]. 1931-1940 йиллар давомида ишланган бош режада биринчи марта шаҳарни режалаштиришда янгича ёндашув амалга оширилган. Бу режа ишлаб чиқиш жараёнида Долгов томонидан тайёрланган оралиқ лойиҳа асосида экспертлар қуйидаги хулосани беришган: эски архитектурани сақлаш учун ҳеч қандай асос йўқ, тарихий-маданий қадрият фақатгина марказдаги ёдгорликлар “конгломерати”дан иборат. Режалаштиришнинг умумий йўналиши замонавий архитектура устунлигини таъминлаши, замонавий интилишларни ифода этиши ва эски архитектурага шарафли, аммо фақат музей даражасидаги ўрин ажратиши керак. “...замонавий архитектура замонавий ижтимоий манбалардан келиб чиқади,...у ўтмиш билан боғлиқ ҳеч қандай ассоциани юзага келтирмаслиги керак... у эски архитектурага муқобил равишда яратилади” [6:27].

Бош режа бўйича шаҳар маркази тарихий майдон асосида, модернизация қилиш йўли билан қайта шакллантирилган. Хусусан,


Лаби Ҳовуз ансамблидан жанубий йўналишда шаҳарнинг марказий ядросини якунловчи янги маъмурий марказ барпо этилиши режаси амалга оширила бошланди. 1936 йилги Воронин бош режасига мувофиқ, тарихий ҳудуднинг жанубий-ғарбий қисмида ва шимолий йўналишда, қалъа деворлари ташқарисида паст қаватли уй-жой массивлари қурилиши амалга оширилган эди. Шу билан бирга, Аркнинг қарама-қарши томонида янги жамоат марказини шакллантириш ишлари бошланди. Бу ҳолат советча шаҳарсозлик ёндашувининг асосий тенденцияси – анъанавий тарихий марказдан маъмурий ва жамоат функцияларини четга чиқаришга интилишнинг яққол намунаси эди.

1930-1960 йиллар мобайнида Бухоро шаҳрида амалга оширилган шиддатли шаҳарсозлик ислохотлари натижасида шаҳарнинг тарихий топографиясига катта таъсир кўрсатди. Хусусан, қадимий муҳофаа деворлари ортида жойлашган ҳовлилар, маҳалла гузарлари, савдо тузилмалари ва меъморий ёдгорликлар “тартибга солиш” ва “тозалаш” сиёсатлари баҳонасида оммавий равишда бузиб ташланди. Бу жараён, аввало Арк қалъаси атрофидан бошланган. 1936 йилдан бошлаб XVII асрга оид обидалар - Бозори Гусфанд, Дор аш-шифо, Хўжа Ниҳол, Шодимбий, Хўжа Давлат, Аёзбий, Эшони Афғон, Муҳаммад Назар Парвоначи, Ҳазрати Хизр мадрасалари, Поянда-бий оталиқ масжиди, Аркнинг жанубий қисми бўйлаб Арроки Мисгарон масжиди, Арк қалъасининг шимолий қисмидаги Садирбий, Шукурбий мадрасалари, шунингдек Мирзо Ғафур, Қўчқор Қўрчи, Шукурбий, Қози Мир Ҳошим, Усто Руҳи каби масжидлар бузиб юборилади. Шаҳарнинг шаҳристон қисмидаги Масжиди Калоннинг шимолий қисмида жойлашган Бадалбек, Кўҳна Қосим Шайх, Абдушукурбой, Карбос мадрасалари, шу қатори Ҳиндлар карвонсаройи, Абдуллазизхон мадрасаси олдида шаҳристон жанубида жойлашган Раджаббек, Али Қози Калон карвонсаройлари, Шарифжон масжиди, шаҳристоннинг шимолий қисмида жойлашган Тўпхона, Раад-зода каби масжидлар ҳам буткул бузиб ташланди [7].

Бундай ҳаракатлар фақат диний муассасаларни эмас, балки шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тижорат иншоотларини ҳам қамраб олган. Масалан, Ниҳол мадрасасининг ўнг томонида бўлган XVI асрда қурилган Тоқи Тиргарон, чап томонидаги Тоқи Ордфурушон каби савдо тоқлари ҳам текисланган. Арк қалъасининг ички тузилишига ҳам жиддий зарар етказилган. Маълумотларга кўра, қалъа ичидаги бино ва иншоотларнинг камида 80 фоизи бутунлай йўқ қилинган [8]. Айтиш жозки, бу даврда урбанистик ўзгаришлар шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмларида ҳам архитектуравий йўқотишларга олиб келди. Хусусан, бу даврда Хожа Саъд Жўйборий томонидан XVI асрда барпо этилган Абдулло Қўчқор масжидининг шимолий қисмида жойлашган Калобод мадрасаси ва масжиди, шаҳар мудофаа деворининг катта қисми ва ундаги 11 дарвозадан 9 таси совет шаҳарсозлик режалари доирасида тўлиқ йўқ қилинди. Қарши дарвозаси яқинидаги тарихий Рангрёз ва Кокилаи Калон гузарларини ўз ичига олган ҳудуддаги обидалар ҳам текисланиб, ўрнига янги турар-жой ва маъмурий бинолар барпо этилди. Бу ҳудудларда илгари мавжуд бўлган тарихий Қози Нуриддин, Имом Қозихон, Қоракамол, Мир Тоҳури гузарлари ўрнида йирик индустриал инфратузилма объектлари – болалар касалхонаси, Гренаж заводи, автовокзал қурилди. Шунингдек, Самарқанд ва Ҳазрати Имом дарвозалари ўртасидаги тарихий шаҳар кўриниши кескин ўзгариб, бу ерда таксимотор парки, мебел магазини, раймаг, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамда янги турар-жой массивлари пайдо бўлди [8]. Бу каби ўзгаришлар ҳазрати Имом ва Ўғлон дарвозалари оралиғидаги қадимий Кофар-работ, Назарча, Хосса Пўлод, Хўжа Қурбон, Қози Мир Ҳошим ва Аскарӣ гузарларига ҳам таъсир қилди. Ушбу ҳудудларда жойлашган тарихий ҳовузлар, ҳонақоҳлар ва муқаддас зиёратгоҳлар, жумладан, Ўғлон Ота мазори бутунлай йўқ қилинди. Хусусан, бу ҳудудда Бухоро давлат педагогика институтининг янги ўқув бинолари, ўқитувчилар учун икки қаватли

турар-жойлар ва Бухоро вилоят ижроия кўмитаси биноси бунёд этилади. Бу жараён Бухоронинг анъанавий урбан тузилишига таъсир кўрсатиб, маданий мероснинг қайтариб бўлмас йўқотилишига сабаб бўлди. 500 гектарли Бухоро шаҳри тарихий худудининг 350 гектари совет даврида ўзгаришларга маҳкум этилди [8].

1939 йилда Бухоро шаҳрини умумий таъмирлаш ва қайта ривожлантириш режасининг маъқулланиши мамлакат миқёсидаги саноатлаштириш сиёсатининг тарихий шаҳарларга таъсир кўрсатган дастлабки босқичларидан бири бўлди [9:197]. Мазкур режа асосида Бухоро шаҳрида замонавий инфратузилмавий ўзгаришлар кўзда тутилган бўлсада, Иккинчи жаҳон уруши туфайли амалий ишлар 1940 йиллар давомида тўхтаб қолди.



Бухоро шаҳар бош режаси. 1940 йил.

Уруш тугаганидан сўнг, 1946 йил 10 октябрда Бухоро вилояти депутатлар Совети ва Бухоро шаҳар депутатлар Совети XX сессиясининг қўшма мажлисида қабул қилинган махсус қарор, Бухоро шаҳар бош режасини амалга оширишга ҳуқуқий ва маъмурий асос яратиб берди [10]. Бу даврдаги қарорлар илк марта шаҳарнинг

марказий ҳудудларини замонавий талабларга мос ҳолда реконструкция қилишга, тарихий ва янги тузилишларни боғлашга уринишлар ҳаракати билан ажралиб туради.

1950-йилларга келиб, Бухоро вилояти ҳудудида табиий газ конларининг очилиши нафақат минтақа, балки бутун мамлакат миқёсидаги иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу саноатни ривожлантиришга тurtки бериб, ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, инфратузилманинг шаклланиши ва янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилди. Натижада шаҳар аҳолиси сони шунингдек бошқа ҳудудлардан кўчиб келганлар эвазига сезиларли ўсиш бўлди. 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, Бухоро шаҳрида доимий аҳоли сони 69 254 нафарни ташкил этган [11]. Бу ўз навбатида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда саноатлаштириш сиёсати билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга Бухоро шаҳар бош режасига янгиланган функционал ёндашув киритилди. Бу янги реал вазиятда аввалига кўзда тутилмаган, лекин иқтисодий воқеликлар билан мустаҳкам боғланган қурилиш ва аҳоли инфратузилмасини кенгайтириш зарурати юзага келди.

1953 йилда Бухоро шаҳар тарихий қиёфасини сақлаш борасида янги босқич бошланди. Ўша йили архитектор Н.И.Френкель раҳбарлигида шаҳарнинг қадимий қисми-шаҳристон ҳудудини ўрганиш ва муҳофазага олиш бўйича махсус изланишлар олиб борилди. Унинг таҳлилий хулосалари Бухоронинг меъморий-тарихий хусусиятларини сақлаш ҳамда бу ҳудудни келажақдаги модернизация жараёнларидан асраб қолиш зарурлигини асослаб берди. Тадқиқот натижаларига кўра, шаҳристон ҳудудидаги 35 та тарихий ва маданий аҳамиятга молик объектлар, яъни масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, ҳовузлар ва меъморий ансамбллар расман давлат муҳофазасига олинди[3:36]. Бу нафақат шаҳарнинг моддий маданий меросини ҳимоя қилишга қаратилган қадам, балки тарихий муҳитни барқарор ривожлантиришнинг дастлабки институционал асосларидан

бири бўлди. Шу асосда, Ўзбекистон ССР ҳукумати Бухоро шаҳристони меъморий-этнографик қўриқхона сифатида расман тасдиқлади. Бу мақом шаҳарнинг тарихий ядросини режали муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бироқ амалиётда бу қарорни самарали татбиқ этишда жиддий муаммолар юзага келди. Хусусан меъморий меросни бошқариш ва ҳимоя қилиш бўйича институционал ҳамда ҳуқуқий механизмлар етарлича шаклланмаганлиги сабабли, тарихий объектларнинг катта қисми реал муҳофаза эмас, балки фойдаланиш (ижара) объектига айлантирилди. 1954 йилги архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, қатор тарихий бинолар тижорат ёки маиший мақсадларда фойдаланиш учун ижарага берилган. Масалан, Абдуллахон тими, Кўкалдош мадрасаси, Калон масжиди омборхона сифатида, Жўйбори Калон мадрасаси-ётоқхона сифатида, Турки Жанди масжиди-сабзавот сақланадиган омборхона, Девонбеги мадрасаси-ресторан филиали сифатида, Мағоки Аттор масжиди – савдо мажмуаси, Хонақо Девонбеги ўқув зали сифатида фойдаланилган [12]. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур ижара муносабатларида тарихий объектлар қадрият сифатида эмас, балки фақат мулкӣ ресурс сифатида қабул қилингани кўринади. Бу ҳолат шаҳарнинг тарихий қиёфаси ва маънавий меросини асрашга зид бўлиб, давлат томонидан қабул қилинган қарорлар ва амалдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсат ўртасида жиддий зиддият мавжудлигини кўрсатади.

1950 йилларнинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳрида урбанистик модернизация жараёнлари ривожланди. Шаҳарнинг асосий кўчаларида асфальт ётқизилиши ва йўл кенгликларининг оширилиши шаҳар инфратузилмасини замонавийлаштиришга қаратилган энг муҳим ислохотлардан бири бўлди. Жумладан, Ленин кўчаси (ҳозирда Б.Нақшбанд) шаҳарнинг ғарбий қисми билан шарқий қисмини, Совет кўчаси эса шаҳар марказини боғловчи асосий артерия сифатида хизмат қилган. Киров кўчаси (Намозгоҳ кўчаси) шаҳарнинг жанубий-

ғарбий қисмини, Сталин ҳамда Пушкин кўчалари (ҳозирда Меҳтар Анбар) саноат туманларини марказга улаган [13]. Шунингдек, Эргашев кўчаси шаҳарнинг шимолий қисмини марказ билан боғлаган муҳим транспорт йўли ҳисобланган. Ушбу кўчалар асосий транспорт оқими юкламасини ўз зиммасига олган йўллар сифатида шаҳар ривожига катта аҳамиятга эга бўлган. Кўчаларнинг кенглиги 5 метрдан 15 метргача етказилган бўлсада, баъзи жойларда 3-4 метр кенгликдаги торайган йўллар ҳам кузатилган. Асосан бу даврда кенг йўлларнинг қурилишига тўсқинлик қилаётган сабаб сифатида шаҳарни ўраб турган қалъа деворлари кўрсатилган. Натижада, айнан шу йилларда қалъа деворларининг асосий қисми бузиб ташланиб, янги транспорт инфратузилмасига йўл очилган.

1960-1964 йиллар оралиғида Тошкентдаги “Ўздавлойиҳа” (ЎзГоспроект) институтида Бухоро шаҳрининг бош режаси қайта ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа икки таниқли мутахассис-архитекторлар В.Н.Чунихин ва В.Л.Слонимскийлар раҳбарлигида тайёрланди [13:197]. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу янги бош режа фақатгина умумий қурилиш йўналишларини эмас, балки тарихий марказнинг мақоми ва ҳудудий чегараларини ҳам аниқ белгилаш борасида ишлар олиб борди. Бош режа доирасида шаҳарнинг тарихий тузилишини муҳофаза қилиш ва модернизация жараёнини мувофиқлаштириш ниҳоятда мураккаб бўлиб, кўплаб ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий тўсиқларга дуч келган. Бунга қўшимча равишда, Бухоро шаҳар тузилишининг ўзига хос меъморий мероси - яъни, мадраса, масжид, ҳовли ва бозорлар тўплами янги режаларга интеграция қилиш жараёнида шахсан архитекторлар учун ҳам мураккаб вазифа бўлган. Айнан мана шу сабабли, 1960-1970 йиллардаги Бухоро бош режаларида “тарихий марказ - янги шаҳар” ўртасидаги мувозанатли ривожланиш тушунчаси биринчи марта қатъий меъёр сифатида киритилди. Бу даврда тарихий меросни фақат алоҳида обидалар эмас, балки бутун ҳудуд сифатида кўриш тамойили райдо бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, 1920 йилдан кейин Бухоро шаҳрида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан шиддатли урбанистик ўзгаришлар бошланди. Бу жараён бир томондан шаҳарнинг кўп асрлик тарихий қиёфасига таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан замонавий шаҳарсозлик режаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлди. Бу даврда олиб борилган шаҳарсозлик сиёсати тарихий меросни муҳофаза қилиш ва замонавий модернизация ўртасидаги мураккаб жараён бўлди. Қабул қилинган бош режаларда асосий эътибор замонавий архитектуранинг устуворлигига, транспорт ва инфратузилма масалаларини ҳал этишга қаратилган. Натижада Бухоронинг тарихий марказида жойлашган кўплаб қадимий бинолар бузиб ташланган ёки функционал жиҳатдан ўзгартирилган. Шу билан бирга, меъморий меросни муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича институционал ҳамда ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги тарихий муҳитнинг сақланишини янада қийинлаштирган. Йирик ёдгорликлар - Арк, Калон минораси, Мир Араб мадрасаси, Сомонийлар мақбараси кабилар муҳофаза объекти сифатида қайд этилган бўлсада, бироқ уларни ўраб турган маҳаллалар, кўчалар, кичик ҳовлилар ва ёрдамчи иншоотлар йўқотилиб, тарихий муҳитнинг узвийлиги бузилди. Совет даврининг “байналмилал маданият” тамойили маҳаллий анъаналарни тўлиқ инобатга олмагани учун тарихий қиёфа қисман сақланди, қисман йўқотилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тўраев Ҳ. Бухорони сақлаб қолишнинг муаммо ва ечимлари. “Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. II-қисм. Бухоро, 2017.
2. Бухоро вилоят архиви, 1201-жамғарма, 1-рўйхат, 32-йиғма жилд, 3-бет.
3. Бухоро вилоят Курилиш бош бошқармаси жорий архиви. Государственный комитет Совета Министров Узбекской ССР по

делам строительства и архитектуры Республиканский проектный институт «УЗГОСПРОЕКТ». Учет № 09/4, 5.07.1965.

4. Зухриддинов А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1982.5.
 Меерович М.Г. “К вопросу о методологии изучения начального периода урбанизации в СССР”. Историческая урбанистика: прошлое и настоящее города. Сборник научных статей всероссийской конференции с международным участием. Курган. 2015.

6. Бухоро вилоят Қурилиш бош бошқармаси жорий архиви. Государственный комитет Совета Министров Узбекской ССР по делам строительства и архитектуры Республиканский проектный институт «УЗГОСПРОЕКТ». Учет № 09/4, 5.07.1965.

7. “Бухара. Сводный историко-градостроительный опорный план города IX-XX вв”. 1980 г. Бухоро вилоят Қурилиш бош бошқармаси жорий архиви.

8. Ҳ.Тўраев. Бухоро: “Эски шаҳар”, “Янги шаҳар”. Бухоронома. 2018-йил 9 июн (№ 47)

9. Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990). Тошкент: Янги нашр, 2017.

10. Красная Бухара. 1945 г. 11 октября.

11. ЎМА. 1619-жамғарма, рўйхат-11, 2238-йиғма жилд, 65-бет.

12. Бухоро вилоят архиви. 1201-жамғарма, рўйхат-1, 24-йиғма жилд, 58-бет.

13. Бухоро вилоят архиви. 1201-жамғарма, рўйхат-1, 32-йиғма жилд, 3-бет.

14. Кодырова Т. Архитектура советского Узбекистана. Москва: Стройиздат, 1987.

THE IMPACT OF URBAN PLANNING ON THE PRESERVATION OF BUKHARA'S ARCHITECTURAL IDENTITY

Abstract. This article analyzes the modernization processes carried out in the city of Bukhara during the Soviet period and their impact on the city's historical appearance. In particular, the industrialization policy that was rapidly implemented throughout the Soviet Union in the late 1920s and early 1930s also had a significant influence on urban planning. The construction of new industrial enterprises during this period increased the demand for a permanent workforce, which in turn affected the spatial structure and residential distribution of Bukhara. On this basis, from the 1930s onward, the first comprehensive “master plan” projects began to be developed. The article examines the content and implementation of these plans, as well as their influence on the historical architectural environment, using archival materials, historical city maps, and field observations. It is also noted that during modernization, many historical structures were demolished under the pretext of solving population growth and transportation problems. Furthermore, due to the insufficient development of institutional and legal mechanisms for managing and protecting architectural heritage, many preserved historical sites became not genuine conservation objects but rather objects of commercial use (lease).

Keywords: industrialization, historical architectural environment, architectural monuments, shahristan, UzDavLoyiha, architectural and ethnographic, urban planning, infrastructure

ВЛИЯНИЕ ГРАДОСТРОИТЕЛЬНОГО ПЛАНИРОВАНИЯ НА СОХРАНЕНИЕ АРХИТЕКТУРНОГО ОБЛИКА БУХАРЫ.

Аннотация. В данной статье анализируются процессы модернизации, осуществлявшиеся в городе Бухаре в советский период, и их влияние на исторический облик города. Особенно отмечается, что политика индустриализации, активно проводившаяся по всему Советскому Союзу в конце 1920-х — начале 1930-х годов,

оказала существенное воздействие и на сферу градостроительства. В этот период строительство новых промышленных предприятий привело к росту потребности в постоянной рабочей силе, что, в свою очередь, заметно повлияло на пространственную структуру и систему расселения населения Бухары. На этой основе с 1930-х годов начали разрабатываться первые проекты генеральных планов города. В статье проанализированы содержание этих планов, особенности их реализации, а также влияние на историко-архитектурную среду на основе архивных источников, исторических карт города и натурных наблюдений. Кроме того, установлено, что в процессе модернизации многие исторические сооружения были снесены под предлогом решения проблем роста населения и транспортной инфраструктуры. Недостаточная сформированность институциональных и правовых механизмов управления и охраны архитектурного наследия привела к тому, что значительная часть сохранившихся исторических объектов стала не предметом реальной охраны, а объектом эксплуатации (аренды).

Ключевые слова: индустриализация, историко-архитектурная среда, архитектурные памятники, шахристан, Уздавлойиха, архитектурно-этнографический, градостроительство, инфраструктура